**Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларни нон махсулотлари билан таъминлаш буйича**
**№ 29 - сонли шартнома**

**2022 йил" 5 " январь** **Кукон шахар**

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи "Қўқон нон" МЧЖ (кейинги ўринларди "Сотувчи" деб аталади) номидан рахбари У.У.Абдуллаев биринчи томон ва иккин томон Вилоят болалар фтизиатрия санаторияси қўқон (келгусида "Харидор" деб аталади.) рахбари Ш.М.Тўйчиев ўрталарида куйидаги максадларда тузилди.

**1. Шартнома предмети.**

1.1 "Сотувчи" "Харидор" га куйидаги махсулотларни етказиб беради.
1.2. Мазкур шартноманинг умумий киймати. 3000000 сум Уч миллион
(ракам ва суз билан тулик ёзилади) сумни ташкил килади.
1.3. Махсулотлар 2022 йил январь ойига куйидаги ассортиментда етказиб берилади.

| Махсулот номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи | Суммаси | Савдо чегирмаси | Йўл кира хаки | Жами тўлашга |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Колипли нон 0 .5 1нав | дона | 2000 | 1500 | 3000000 | | | 3000000 |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | 3000000 | | | 3000000 |

**Изох**: Шартнома муддати бир ойдан ортик бўлганда ассортимент бўйича олинаётган махсулот турлари ва нархлари келгуси ойлар учун талаб ва эхтиёждан ва нарх наволардан келиб чикан холда алохида спецификация холатида тузилиб иккала томон ўртасида тасдиклангандан сўнг ушбу шартномага илова килинади ва шартномани ажралмас кисми бўлиб хисобланади. Ушбуни натижасида шартномани умумий суммаси ўзгарган холатда кўшимча келишув оркали шартномани суммасига аниклик киритилади.

**2. Хисоб – китоб шартлари,**

2.1 Олинган нон махсулотлари учун белгиланган нархда тўлов жадвали бўйича хисоб-китоб килинади. Шартнома амал килиш муддати даврида нон махсулотларини нархларини ўзгарганда ўзаро тузилган кўшимча келишувга асосан ушбу ўзгарган нархлар бўйича хисоб китоб амалга оширади.
2.2 Сотувчи махсулотни етказиб бергандан сўнг, ўзаро солиштирув далолатномаларга асосан, етказиб берилган махсулот киймати учун харидор пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади. Харидор олдиндан 30% микдорида тўловни амалга оширади хамда тўлик хисоб китобни махсулот олинган сўнг 60 кун ичида амалга оширади. Шартнома бир ойдан ортик муддатга тузилганда 30 микдордаги олдиндан тўлов тўлов жадвалига асосан хар ойда амалга оширилиб борилади.
2.3 Махсулотлар учун нарх ўзаро келишилган холда белгиланади. Бундан ўша кунга корхоналар тижорат таклифлари, худуддаги ўртача бозор нархлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан таклим этилган нархлар асос килиб олинади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлари натижасида етказиб берилган нон махсулотларига белгиланган нархлар юкори деб топилса ушбу фарк сотувчи зиммасидан копланади.
2.4 Нон махсулоти ишлаб чикарувчилар учун махсулотнинг калькуляцияси ва бахолар прескуранти асосида нарх белгиланади. Колипли нон ўчун прескурантда белгиланган тартибда савдо чегирмаси берилади.

**3. Махсулот етказиб бериш.**

3.1. "Сотувчи" шартномада белгиланган махсулотларни келишилган таксимотномага асосан бюджетдан маблағ олувчи муассаса манзилгохларига белгиланган муддатларда яъни ___2ой_______ ойида етказиб бериш. Транспорт харажатларини "Харидор" ўз зиммасига олади.

**4. Томонлар хукуки ва мажбуриятлари:**

4.1. "Сотувчи" махсулотни сифатини масдикловчи хужжатни хамда махсулотдан намуна такдим этади ва айнан шу намунадаги махсулотни жойларга етказиб берилишига кафолат беради ва хужжатларни тўгри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.
4.2. "Сотувчи" "Харидор" томонидан ишонч билдирилган, муассаса рахбари ва бош хисобчи томонидан имзоланган, хамда юмалок мухр босилган ишонч когози кўрсатган вакилга махсулот беради. Агар "Сотувчи" томонидан "Харидор"нинг ишонч когозида кўрсатилмаган махсулотларни ёкимахсулотларни ишонч когозида белгиланган микдоридан ортик берган хколларда бу махсулотлар учун "Харидор" томонидан хак тўланмайди. Шунингдек, "Сотувчи" томонидан "Харидор"га сифатсиз ёки сертификатсиз махсулотлар етказиб берилса бу махсулотлар "Сотувчи"га кайтариб берилади. Ёки бу махсулотлар учун хак тўланмайди.
4.3. "Сотувчи" етказиб берган махсулотларини хисоб варакларда тўлик ва аник номини, махсулот номини, категориясини ва бошка кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, хисоб варакларни белгиланган тартибда ракамлаб, тўлик реквизитларини расмийлаштириши шарт. Тўлик расмийлаштирилади.
4.4. "Харидор" "Сотувчи" томонидан юборилган махсулотни шартнома шартлари ва спецификацияга тўгри келишини текшириб қабул килиб олгандан сўнг олинган махслуот учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

**5. Жарималар қўлланилиши**

5.1 Агар "Сотувчи" томонидан "Харидор"га сифатсиз ёки саклаш муддатлари ўтиб кетган махсулотларни етказиб келган холда "Харидор" "Сотувчи"дан бундай махсулотларнинг умумий кийматидан 50%, лекин шартноманинг 1.2 бандига кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган холда жарима кўллаб конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.
5.2. Агар "Сотувчи" томонидан "Харидор"га белгиланган махсулотлар белгиланган муддатларида етказиб келмаса, "Сотувчи" муддатида етказилмаган махсулотларни умумий кийматини 0.02% микдорида хар бир ўтган кун учун "Харидор"га жарима тўлайди.
5.3. Кабул килинган махсулот учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган такдирда хар бир кечиктирилган кун учун кабул килинган махсулот кийматидан "Харидор" томонидан 0.02% микдорида "Сотувчи"ни ва "Харидор"ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

**6. Форс-мажор**

6.1. Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда холлардa бузилса (яъни сув тошкини, ёнгин, зилзила, бошка табиий офатлар ва хукуматнинг махсус карорларини бажариш билан боғлик холатларда) томонлар жавобгар бўлмайди

7.2 Шартноманинг амал килиш муддати 2022 йил январь Маълум сабабларга кўра олинган махсулот учун ўз вактида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун кўшимча вакт белгиланади.

7.3. Шартнома куйидаги холларда муддатидан олдин бекор килиниши мумкин:

А) томонлар ўзаро ёзма келишувига асосан;

Б) "Сотувчи" томонидан етказиб берилган махсулотни сифатсизлиги тўгрисида "Харидор" томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;

В) "Сотувчи" томонидан мазкур шартноманинг 4.1. 4.2. 4.3. бандлари бажарилмаганда

Г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгариш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтириши лозим бўлгани холда "Сотувчи" ушбуга рaозилик бермаган такдирда;

Д) нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши ёки кўпайиши) лозим бўлгани холда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда.

Изох: б,в,г,д пунктлари бўйича шартномалар "Харидор" томонидан бир томонлама бекор килиниши мумкин. Шартноманинг бекор килингани тўгрисида "Харидор" "Сотувчи" га ёзма равишда, асосларини келтирган холда хат билан маълум килади.

## 8.Кўшимча шартлар

8.1 Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал килинади. Ўзаро хал килинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан хўжалик судлари оркали хал килинади.

8.2 Шартнома икки нусхада тузилиб хар бир нусхаси тенг юридик кучга эга бўлиб томонларда бир нусхада сакланади.

8.3 Шартнома спецификацияси келгуси ойлар учун талаб ва эхтиёждан ва нарх наволардан келиб чиккан холда алохида тузилиб иккала томон иштирокида имзоланиб тасдикланади ва илова сифатида ушбу шартномани ажралмас кисми хисобланади.

8.4 Бюджетдан маблағ олувчилар ва махсулот етказиб берувчилар билан бюджет маблағлари хисобига тузилган шартномалар факат уларнинг газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олингандан сўнг кучга киради.

8.5 Бюджетдан маблағ олувчилар ва махсулот етказиб берувчилар билан бюджетдан ташқари маблағлари хисобига тузилган шартномалар факат уларнинг газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олингандан сўнг кучга киради.

8.6 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва мухрлари билан тасдикланиб, тегишли газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

## 9. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлар

"Таъминотчи"

"Кўкон нон" МЧЖ

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Кўкон шахар Фуркат 2

Тел/998905700220

х/р 20208000100212 113001

Банк номи: Микрокредит Кўкон филиали

МФО 01089 СТИР 200134524

ОКОНХ 10113

Рахбар: Б.Д.Назиров ____________

(ФИШ) (имзо)

Бош хисобчи Мирзаева У ____________

(ФИШ) (имзо)

М.У

"Истеъмолчи"

Вил. бол. фтизиатрия сиҳатгоҳи

( бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Кўқон шаҳар Гес 3 Фурқат

Тел. Факс: 73-542-40-27

ш/х 100021860304050 7023401054003

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 200131464

ОКОНХ 86100

Кўқон шаҳар Ғазначилиги

ҒазнаХ/В 23402000300100001010

Банкнинг номи Тошк. шаҳ. Марк. бўлими

МФО 00014 СТИРи 201122919

Рахбар____________ (ФИШ) (имзо)

Бош хисобчи Д. Обидов (ФИШ) (имзо)

Юрист: И. Назаров

## Хукукий хулоса

Мен, ушбу шартномани хукукий экспертизадан утказдим. Мазкур шартномада кўрсатилган муносабатлар Узбекистон Республикасининг Фукаролик Кодекси, ва «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукикий базаси тугрисида» ги Конуни билан тартибга солинади хамда шартномада назарда тутилган тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни хал этиш тартиби юкорида зикр этилган конунчилик талабларига мос келади.

Хукукшунос: